

**ИСЛОМ КАРИМОВ** номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ  
УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ** номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР  
КОРХОНАСИ**

**РАУПОВА ДИЛФУЗА НУРУЛЛАЕВНА**

**НЕФТЬ ЭМУЛЬСИЯСИНИ СУВСИЗЛАНТИРИШ ВА  
ТУЗСИЗЛАНТИРИШДА ИШЛАТИЛАДИГАН КОМПОЗИЦИОН  
КИМЁВИЙ РЕАГЕНТ «ДЕЭМУЛЬГАТОР» НИНГ САМАРАЛИ  
ТАРКИБИ ВА ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси  
ва технологияси (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси****Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)****Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)****Раупова Дилфуза Нуруллаевна**

Нефть эмульсиясини сувсизлантириш ва тузсизлантиришда ишлатиладиган композицион кимёвий реагент «Деэмульгатор»нинг самарали таркиби ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

**Раупова Дилфуза Нуруллаевна**

Разработка эффективных составов и технологии получения композиционного химического реагента «Деэмульгатор» и его применение при обессоливании и обезвоживании нефтеэмульсий..... 19

**Raupova Dilfuza Nurullaevna**

Development of effective compositions and technology for obtaining a composite chemical reagent "Demulsifier" and its use in desalting and dehydrating oil emulsions..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 38

**ИСЛОМ КАРИМОВ** номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ  
УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ** номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР  
КОРХОНАСИ**

**РАУПОВА ДИЛФУЗА НУРУЛЛАЕВНА**

**НЕФТЬ ЭМУЛЬСИЯСИНИ СУВСИЗЛАНТИРИШ ВА  
ТУЗСИЗЛАНТИРИШДА ИШЛАТИЛАДИГАН КОМПОЗИЦИОН  
КИМЁВИЙ РЕАГЕНТ «ДЕЭМУЛЬГАТОР» НИНГ САМАРАЛИ  
ТАРКИБИ ВА ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси  
ва технологияси (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/T2223 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгашнинг [www.gurft.uz](http://www.gurft.uz) манзили веб-саҳифасида ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталининг [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Негматова Комила Сайибжановна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Розиқов Комил Холикович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Мухторов Нуриддин Шамсиддинович**  
техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси хузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг **2021 йил «23» август соат 11<sup>00</sup>** даги мажлисида онлайн тарзида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73, e-mail: [fan va taraqqiyot@mail.ru](mailto:fan_va_taraqqiyot@mail.ru), «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси биноси, 2- қават, анжуманлар зали.

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (15- рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73.

Диссертация автореферати 2021 йил «11» август куни тарқатилди.  
(2021 йил «29» июнь №15-2021 рақамли реестр баённомаси).



**С.С. Негматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ЎЗР ФА академиги

**М.Э. Икратова**

Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш илмий котиби, к.ф.н., к.и.х.

**А.М. Эминов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда нефть ва газ саноати, иқтисодий ривожига улкан хисса қўшувчи энг муҳим соҳалардан биридир. Нефтни қайта ишлаш корхоналарида нефтэмульсиясидаги сув ва минерал тузларни ажратиш учун қимматбаҳо кимёвий реагентлар ишлатилади. Шу сабабли, маҳаллий хом-ашё ва саноат чиқиндилари асосида нефть-газ қудукларидан қазиб олинган хом нефть эмульсияси таркибидаги сув ва унда эриган минерал тузларни ажратиш учун ишлатиладиган арзон, сифатли кимёвий реагентлар – деэмульгаторларни самарали таркибини яратиш ва олиш технологиясини ишлаб чиқариш, хом нефтни қайта ишлаш учун энергия тежамкор ва экологик хавфсиз технологияларни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳонда нефтни тузсизлантириш ва сувсизлантиришда ишлатиладиган деэмульгаторларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича етакчи давлатларда кенг миқёсдаги тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, Россия, АҚШ, Хитой, Германия, Япония ва Озарбайжонда нефтни тузсизлантириш ва сувсизлантириш учун ишлатиладиган деэмульгаторларни кенг миқёсда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бу ўринда нефть эмульсиясини сувсизлантириш ва тузсизлантиришда ишлатиладиган кимёвий реагент – деэмульгаторларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссаларини аниқлаш, нефть маҳсулотларининг сифатини ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш, уни зарарли қўшимчалардан технологик асосланган меъёрларигача тозалаш жараёни, деэмульгаторларнинг самарали таркиби ва олиш технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда нефть-газ саноатининг ривожланиши бўйича бир қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда, жумладан, ушбу соҳада талабгир бўлган хом нефть эмульсиясини тузсизлантириш ва сувсизлантириш учун маҳаллий хом-ашё ва саноат чиқиндилари асосида самарали деэмульгаторлар яратиш, нефть таркибидаги ортикча сув ва унда эриган тузларни талаб қилинган технологик меъёрларгача тозалаш усулларини ишлаб чиқиш ва олиш технологияларини ишлаб чиқишда маълум бир натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш...»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқган ҳолда, жумладан, республикамизнинг нефть-газ саноатида маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида импорт ўрнини босувчи, самарали янги композицион кимёвий реагентлар - деэмульгаторларни яратиш усулини ишлаб чиқиш,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналишларидаги ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги № ПФ-4947-сонли Фармони

олинган деэмульгаторларнинг физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш, яратилган деэмульгатор билан ишлов берилганда юқори сифатли нефть маҳсулотларини олишда технологик жараёнларнинг муқобил шароитларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президетининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Фармонлари, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фармонга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Нефть ва газ саноати соҳаларини тадқиқ қилишда, нефть маҳсулотларининг сифатини яхшилаш, айниқса самарали деэмульгаторларни олиш технологияси ва уларни қўллаш борасидаги илмий тадқиқотларга қуйидаги олимлар ўз хиссаларини қўшганлар: Л.З. Климова, Э.В. Калинин, Э.Г. Гаева, М.А. Силин, В.Н. Кошелев, Б.Д. Изюмов, А.А. Петров, С.И. Борисов, Ю.С. Смирнов, Л.А. Кабилов, Б.Н.Ҳамидов, С.Н. Аминов, А.А. Алимов, Ф.М. Юсупов, М.А. Мирзахмедова, И.Э. Абдурахимов, М.У. Каримов, А.Т. Жалилов, С.А. Абдурахимов, А.А. Очиллов, Р.З. Эшметов, Д.С. Салиханова ва бошқалар.

Мавжуд ишларни таҳлилига кўра шуни таъкидлаш керакки, нефть ва газ саноатида хом нефтларни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш, нефть таркибидаги сув ва унда эриган минерал тузларни миқдорини камайтириш учун маҳаллий хом-ашё ва саноат чиқиндилари асосида композицион кимёвий реагент – деэмульгаторларнинг самарали таркибини яратиш ва ишлаб чиқариш, яратилган деэмульгаторларнинг физик-кимёвий, технологик ва эксплуатацион хусусиятларини яхшилаш ва қўллашда муқобил технологик жараёнларни ишлаб чиқиш батафсил ёритилмаган. Мазкур диссертация ишида ушбу муаммони ечимига доир масалалар кенг ёритиб берилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараккиёт» давлат унитар корхонасининг



илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №3-592 «Нефть эмульсиясини тузсизлантиришда ва сувсизлантиришда қўлланиладиган кимёвий реагент «Деэмульгатор»ни технологиясини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш» мавзусидаги лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** нефть эмульсиясини сувсизлантириш ва тузсизлантиришда ишлатиладиган композицион кимёвий реагент «Деэмульгатор»нинг самарали таркиби ва олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

композицион кимёвий деэмульгаторларни олиш учун органоминерал ингредиентларни ва саноат чиқиндиларининг физик-кимёвий хоссаларини чуқур ўрганиш;

ишлаб чиқилган композицион кимёвий деэмульгаторларнинг физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятларини ўрганиш;

нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосидаги композицион кимёвий деэмульгаторларнинг таркибини ва уларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида олинган композицион кимёвий деэмульгаторни технологик регламентини ишлаб чиқиш;

«Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ корхоналарида нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун ишлаб чиқилган композицион кимёвий деэмульгаторнинг ишлаб чиқариш тажриба-саноат синовларини ўтказиш;

нефтни қайта ишлаш корхоналарида нефтларни тузсизлантириш ва сувсизлантиришда ишлатиладиган яратилган импорт ўрнини босувчи композицион деэмульгаторнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ёғ ишлаб чиқариш чиқиндилари (госсипол смоласи), кунгабоқар ёғи чиқиндиси, натрий гидроксид, натрий карбонат, глицерин, карбамид, натрий лаурилсульфат ва спиртли эритувчи чиқиндилари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб нефть эмульсияларини парчалашда композиция компонентларининг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссалари, органоминерал ингредиентларнинг комплекс хоссаларига боғлиқ қонуниятларни изоҳлаш ва уларни эксплуатация қилиш шароитлари, технологик режимлари ҳамда яратилаётган композицион деэмульгаторлар ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда ИҚ-спектроскопия, патенциометрия, композицион деэмульгаторларнинг физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятларини аниқлаш учун МДХ мамлакатларида рухсат этилган умумий қабул қилинган стандарт усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

композиция ингредиентларнинг табиати, тузилиши, таркиби, миқдори, нисбати ва улар орасида юзага келадиган физик-кимёвий жараёнларнинг хусусиятлари аниқланган;

органоминерал ингредиент алкил карбамиднинг натрий лаурилсульфат билан ўзаро таъсири натижасида деэмульсация белгиларига эга бўлган «МК-ДЭМ-4» композицион кимёвий деэмульгатори яратилган;

яратилган композицион кимёвий деэмульгаторларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссаларини талаб даражасида шакллантиришда компонентларнинг муқобил таркиби ишлаб чиқилган;

импорт ўрнини босувчи янги композицион кимёвий деэмульгаторлар хусусиятлари ўзгаришига таъсир этувчи асосий технологик омиллар аниқланган;

нефтни қайта ишлаш корхоналарида нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун композицион кимёвий деэмульгаторларни олиш технологияси ишлаб чиқилган;

нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантиришда ишлаб чиқарилган композицион кимёвий деэмульгаторларни юқори деэмульгирловчи фаолликка эгаллиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

нефтни қайта ишлаш корхоналарида нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида композицион деэмульгаторларнинг оптимал таркиби ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган импорт ўрнини босувчи композицион деэмульгаторлар билан нефть эмульсиясини сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун қайта ишланганда нефть таркибидаги қолдиқ сувнинг миқдори 0,04% га, туз миқдори эса 3,5 мг/дм<sup>3</sup> га тенг бўлганлиги аниқланган;

маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида олинган композицион кимёвий деэмульгаторни технологик регламенти ишлаб чиқилган (ТР-40.4-14952796-010:2021).

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий компьютер ва дастурий воситаларидан фойдаланган ҳолда нефтни қайта ишлаш корхоналарида нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида композицион деэмульгаторларнинг самарали таркибини аниқлаш учун муаллиф томонидан замонавий физик-кимёвий усулларни қўллаб, бир қанча лаборатория ва саноат тажрибаларидан олинган натижалар билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нефтни қайта ишлаш корхоналарида нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида композицион деэмульгаторларнинг янги самарали таркибини яратиш ва уларни олиш технологиясини ишлаб чиқишнинг илмий асосларини назарий жиҳатидан умумлаштириш ва ривожлантириш асосида яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган импорт



Ўрнини босувчи композицион деэмульгаторларни нефтни қайта ишлаш корхоналарида нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун қўллаш натижасида сарф ҳаражатларни бир неча маротаба қисқартириб, иктисодий самарадорликка эришиш имконини беради, ҳамда нефтнинг асосий моддаси билан ўзаро таъсирлашмаслиги ва унинг таркибини ўзгартирмаслиги, коррозиядан химоя қилиши, кам сарфланганда ҳам юқори деэмульгирловчи фаолликни намоён этиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Нефть эмульсиясини сувсизлантириш ва тузсизлантиришда ишлатиладиган композицион кимёвий реагент «Деэмульгатор»нинг самарали таркиби ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хом нефтэмульсиясини сувсизлантириш учун ишлаб чиқилган «МК-ДЭМ-4» типигаги композицион кимёвий деэмульгатор «Бухоро НКІЗ» МЧЖ амалиётга тадбиқ этилган. («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2021 йил 16 июндаги №03-17-5/98 - сон маълумотномаси). Натижада, «МК-ДЭМ-4» композицион кимёвий деэмульгатори билан ЭЛОУ-2 қурилмасида хом нефтэмульсиясига ишлов берилганда нефть эмульсиясининг сувсизланишидаги қолдиқ сувнинг миқдорини 0,04% гача камайтириш имконини берди;

табiiй нефтэмульсиясини тузсизлантириш учун ишлаб чиқилган композицион кимёвий деэмульгатор «Бухоро НКІЗ» МЧЖ амалиётга тадбиқ этилган. («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2021 йил 16 июндаги №03-17-5/98 - сон маълумотномаси). Натижада, ЭЛОУ-2 қурилмасида «МК-ДЭМ-4» композицион кимёвий деэмульгатори «0» гуруҳи (50 мг/дм<sup>3</sup> гача), «1» гуруҳи (100 мг/дм<sup>3</sup> гача), «2» гуруҳи (300 мг/дм<sup>3</sup> гача), нефтларидаги туз миқдорини ГОСТ 9965, ЎзДСт 3032: 2015 талабигага камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та республика илмий-техник ва 5 та халқаро анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та иш эълон қилинган. Шулардан 4 таси илмий мақола бўлиб, улардан 3 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 111 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш келтирилган, натижаларнинг апробацияси, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациясининг **«Сувсизлантириш ва тузсизлантириш жараёнида нефть-эмульсияларни парчалашда СФМ- деэмульгаторларининг ҳозирги ҳолати»** деб номланган биринчи бобида кенг қамровли таҳлил асосида сўнгги йилларда ишлаб чиқилган турли хил композицион кимёвий деэмульгаторларнинг ҳолати ва қўлланилиши бўйича замонавий адабий манбаларни таҳлил қилиш ва деэмульгаторларни олиш учун самарали композициялар ва технологияларни яратиш талаблари бўйича юқори физик – кимёвий ва эксплуатацион хоссаларга эга, айниқса, янги қазиб олинган нефть эмульсияларини сувсизлантириш ва тузсизлантириш ҳамда қўлланилиши бўйича замонавий адабиёт манбалари таҳлилининг натижалари келтирилган.

Адабиётлар таҳлилидан кўриниб турибдики, ҳозирги вақтда нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантиришда ишлатиладиган мавжуд бўлган деэмульгаторларни ишлаб чиқаришда композиция таркибига киритилаётган органоминерал ингредиентларнинг табиати, тури, миқдори ва нисбатига боғлиқлиги ҳамда уларнинг самарали таркиби ва олиш технологияси бўйича мавжуд бўлган муаммоларини ечими батафсил ўрганилмаган. Ушбу диссертация иши ана шу вазифаларни хал этишга бағишланган.

Диссертация ишининг **«Композицион деэмульгаторларни ишлаб чиқиш учун тадқиқот объектларини танлаш ва асослаш ҳамда уларни ўрганиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида объектларни танлаш асослаб берилган, улар асосида композицион кимёвий деэмульгаторлар олиш усуллари ҳамда композицион деэмульгаторларнинг физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини ўрганиш усуллари баён этилган. Композицион деэмульгаторларни олиш учун экспериментал тадқиқотлар ўтказишда Давлат стандарти бўйича нефть эмульсияси таркибидаги сув ва туз миқдорини аниқлаш усуллари келтирилган.

**«Нефть-эмульсиясини сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан олинган композицион кимёвий сирт фаол моддалар-деэмульгаторларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ва самарали композицияларини ишлаб чиқиш»** номли учинчи бобида деэмульгаторларни синтез қилиш ва ишлаб чиқариш бўйича экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган. Госсипол смоласи, кунгабоқар ёғи чиқиндиси ва глицерин асосида олинган композицион кимёвий деэмульгаторларнинг 15 дан ортиқ самарали таркиблари ҳамда нефть-

эмульсиясини парчалашда нефтнинг физик-кимёвий хусусиятларига таъсири, шунингдек турли хил омилларга (вақт, ҳарорат, концентрация, муҳитга) таъсири ўрганилган.

Дастлаб госсипол смоласи, натрий гидроксид ва турли электролитлар асосида композицион кукунли деэмульгаторлар олинган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, яратилган «КПДЭ-1» деэмульгатори (1%, 1,5%, 2% эритмаларида) хлор тузлари ва нефть таркибидаги сув миқдори бўйича импорт қилинадиган дипроксамин 157 деэмульгатори билан таққослаганда самарали натижага эга бўлди, аммо нефтдан ажратилган сувининг ранги жигарранг бўлиб, аниқлашда бир мунча қийинчилик туғдирди. Шу муносабат билан кейинги тадқиқотларда нефть-эмульсиясидан ажратилган сувни янада шаффоф ва ажратиб олиш осон бўлиши учун кунгабоқар ёғи чиқиндиси асосида «КПДЭ-2» композицион деэмульгаторни олишнинг 2-варианти ишлаб чиқилди. 0,8% ва 1% концентрациясида ишлаб чиқилган «КПДЭ-2» таъсирида нефть-эмульсиясини парчалашда ажратилган сув миқдори 10 дақиқадаёқ ижобий натижа берди. Ушбу деэмульгаторнинг камчилиги шундаки, кунгабоқар ёғи чиқиндиси асосида олингани учун деэмульгатор тайёрлангандан кейин бир неча ойдан сўнг чўкинди ҳосил бўлди. Шунинг учун кимёвий композицион деэмульгаторни олиш учун бошқа ингредиентлардан фойдаланиш бўйича хулосага келинди ва нефть-сув эмульсияларини парчалашда композицион кимёвий деэмульгаторнинг янги таркиби глицерин, ноорганик ингредиентлар ва органик эритувчи чиқиндиларидан иборат «МК-ДЭМ-4» кимёвий композицион деэмульгатори ишлаб чиқилди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Композицион кимёвий деэмульгатор «МК-ДЭМ-4» и дипроксамин 157 деэмульгаторларининг асосий таққослаш тавсифлари


№	Кўрсаткичларнинг номланиши	Композицион кимёвий деэмульгатор «МК-ДЭМ-4»	Деэмульгатор Дипроксамин 157
1.	Ташқи кўриниши	Оч сариқ рангли тиник эритма	Оч сариқ рангли тиник эритма
2.	Эрувчанлиги	Сувда эрийди	Сувда эрийди
3.	Зичлиги 20 <sup>0</sup> Сда, г/см <sup>3</sup>	1,15 г/см <sup>3</sup>	1,02-1,05 г/см <sup>3</sup>
4.	Водород кўрсаткичи (рН)	8	8
5.	Қовушқоклиги 20 <sup>0</sup> С, секунд	136	72

Юқоридаги маълумотлардан кўришиб турибдики, физик-кимёвий кўрсаткичлари ва ташқи кўриниши жиҳатидан ишлаб чиқилган композицион кимёвий деэмульгатор «МК-ДЭМ-4» Дипроксамин 157 деэмульгаторига ўхшайди.


Композицион кимёвий деэмульгаторни олиш учун глицериннинг карбамид, натрий лаурилсульфат билан конденсация реакциялари ҳам ўрганилди.

Биринчи босқичда композицион кимёвий деэмульгаторни олиш учун глицеринга карбамид таъсир эттирилганда мураккаб эфир, карбонил группаси,


амид боғлари ҳосил бўлади, реакция жараёнида аминлаш содир бўлади ва аммиак ажралиб чиқади:



Коллоид заррачани зарядига қарама-қарши зарядланган ион коалесценциялайди. Унинг заряди қанча юқори бўлса, коалесценциялаш қобиляти шунча кучли бўлади. Энг кучли коалесценция чақиритиш – электролитлар таъсирида бўлади. Электролит қўшилганда электрокинетик потенциал камайиб, системада эмульсиянинг парчаланиши кузатилади. Электролит сифатида натрий лаурилсульфатдан фойдаланилди. Натрий лаурилсульфат таъсир этирилганда анион гуруҳи, яъни сульфогруппалар ва катион гуруҳи - натрий углеводород занжирига киритилгани учун бу композицияда электролит ҳосил бўлади:




Ҳосил бўлган композиция ўта қуюқ, ишлатишга қулай бўлмагани, ҳамда моддалар сарфини иқтисод қилиш учун керакли нисбатда эритувчи билан суялтирилади, лекин бунда композициянинг деэмульгирловчи хусусиятлари ўзгармай, сақланиб қолади:



Нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантиришда қўлланиладиган ишлаб чиқилган композицион кимёвий деэмульгатор функционал гуруҳлари мавжудлиги, юқори эрувчанлиги (дисперсияларда эрувчанлиги) туфайли юқори коллоид-кимёвий хусусиятларни намоён этади. Шу билан бирга, сирт фаоллиги юқорилиги боис нефть-сув эмульсияларининг деэмульгирлаш жараёнини сезиларли даражада тезлаштиради. Деэмульгирлашда сирт таранглигининг пасайиши нефтлардаги дисперс сувнинг бирлашиши жараёнининг тезлашувининг бевосита далилидир.

Синтез қилинган «МК-ДЭМ-4» композицион кимёвий деэмульгаторининг ИҚ-спектри таҳлили ўрганилди (1-расм).



**1-расм. Композицион кимёвий деэмульгатор «МК-ДЭМ-4» нинг ИҚ-спектри**

1-расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, алкил карбамиднинг натрий лаурилсульфат билан ўзаро таъсири жараёнида алкил карбамиднинг лаурил кислота билан натрийли тузи ҳосил бўлади, яъни реакция интенсивлиги билан ковалент боғланиш содир бўлади.

Олинган деэмульгаторнинг функционал гуруҳларини ўрганаётганда, кимёвий силжишлар  $1716,36 \text{ см}^{-1}$ да мураккаб эфирлар карбонил гуруҳларида,  $1654,51 \text{ см}^{-1}$ да амин гуруҳларида ва  $3303,56 \text{ см}^{-1}$ да гидроксил гуруҳларида аниқланди.

Синтез қилинган деэмульгаторлар орасида «МК-ДЭМ-4» энг самарали композицион кимёвий деэмульгатор сифатида тақдим этилди. Уларнинг 3% сувли эритмасининг сирт таранглигини  $37,4 \text{ Н/м}$  га  $20 \text{ C}^0$  ҳарорат таъсирида у ноионоген сирт фаол ва анион сирт фаол моддалар сифатида тавсифланади.

2-жадвалда ишлаб чиқилган «МК-ДЭМ-4» композицион кимёвий деэмульгатори ва дипроксамин 157 деэмульгаторининг сувли эритмаларида сирт таранглигини қиёсий таҳлиллари келтирилган.

**2-жадвал**


**Композицион кимёвий деэмульгатор ва дипроксамин 157 нинг сувли эритмаларининг ҳар хил концентрациялар оралиғидаги сирт таранглиги**

Концентрация, %	Сирт таранглиги, Н/м	
	Композицион деэмульгатор-«МК-ДЭМ-4» (Ўзбекистан)	Дипроксамин-157 («Катион» МЧЖ, Россия)
1,0	49,2	40,4
2,0	40,4	40,15
3,0	37,4	40,0

Олинган натижаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, «МК-ДЭМ-4» композицион кимёвий деэмульгатори 3% эритмаси дипроксамин 157 деэмульгаторига қараганда яхши натижа берди.

Лаборатория шароитида “Совлигор” конининг нефть эмулсияси билан «МК-ДЭМ-4» композицион кимёвий деэмульгаторининг деэмульгирлаш хусусиятлари аниқланди ва натижалар 2-расмда келтирилган.

2-расмдан кўриниб турибдики, «МК-ДЭМ-4» композицион кимёвий деэмульгаторини 3% ва 100% концентрацияларида, лаборатория синовларида ажратилган сув миқдори яхши натижаларни кўрсатди.




1-Дипроксамин 3%; 2- «МК-ДЭМ-4» 3%; 3- Дипроксамин 100%; 4- «МК-ДЭМ-4» 100%  
**2-расм. 100°С хароратда композицион кимёвий деэмульгатор «МК-ДЭМ-4» ва дипросамин 157 таъсирида нефтемулсияни парчаланиши натижасида ажралаётган сув миқдори**

Оғир зичликдаги нефть-эмулсияларини тузларини (3-гурух) ўрганиш мақсадида ҳозирги кунда амалда қўлланилаётган Дипроксамин 157 деэмульгатори билан таққослаш учун «МК-ДЭМ-4» композицион кимёвий деэмульгаторини лаборатория синовларидан ўтказилди (3-жадвал ва 3-расм).

**3 жадвал**  
**«МК-ДЭМ-4» ва дипроксамин 157 деэмульгаторлари билан нефтга ишлов берилгандан кейинги қолган туз миқдори**

№	Деэмульгаторлар	Хлорли тузлар миқдори мг/дм <sup>3</sup> (ГОСТ- 21534)
1.	«Совлигор» кони нефти	2567,5
2.	«МК-ДЭМ-4» 3 %	192,2
3.	«МК-ДЭМ-4» 100 %	1315,1
4.	Дипроксамин 3 %	2399,0
5.	Дипроксамин 100 %	1864,6






**3-расм. «МК-ДЭМ-4» ва дипроксамин 157 деэмульгаторлари билан нефтга ишлов берилгандан кейинги қолган туз микдори**

Тадқиқот натижаларига кўра, қайд этиш жоиз, «МК-ДЭМ-4» композицион кимёвий деэмульгатори лаборатория шароитида синовдан ўтказилганда 3% концентрациясида, «Бухоро НКИЗ» МЧЖда ишлатилаётган деэмульгатори дипроксамин 157 билан таққослаганда яхши натижаларни кўрсатди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган самарали композицион кимёвий деэмульгаторини олиш учун зарур технологик схема ишлаб чиқилди (4-расм).



**4-расм. Маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосидаги композицион кимёвий деэмульгаторни олиш технологик схемаси**

Унга кўра, қуйидаги жараёнларни бажариш керак:

- хомашё тайёрлаш;
- саноат чиқиндиларини тайёрлаш;
- глицеринни карбамид билан аралаштириш;
- эритмани натрий лаурилсулфат билан аралаштириш;
- олинган композицияни ИАФ (инжексион-адгезион фракцияси – этил спирти чиқиндилари) билан аралаштириш;
- тайёр маҳсулотларни олиш, жойлаштириш ва қадоқлаш.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **«Ишлаб чиқилган композицион кимёвий деэмульгаторларни сувсизлантириш ва тузсизлантиришда қўллашнинг амалий ва иқтисодий жиҳатлари»** кўриб чиқилди.

Кўрсатилган технологик схемага мувофиқ «КОМПОЗИТ NANOTECHNOLOGIYASI» МЧЖ ишлаб чиқариш базасида глицерин, ноорганик ингредиентлар ва органик эритувчи саноат чиқиндилари асосида 50 литр, 100 литр хажмда композицион кимёвий деэмульгаторлар партияси ишлаб чиқарилди ва ЭЛОУ-2 қурилмасида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ходимлари, технологлари билан биргаликда синовдан ўтказилди.

Олинган экспериментал синов натижалари шуни кўрсатдики, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ЭЛОУ-2 қурилмасида «МК-ДЭМ-4» композицион кимёвий деэмульгаторидан фойдаланган ҳолда 3% эритма 1 тонна хом нефтга ўртача 1 литр эритма сарфи билан фойдаланганда «0» гуруҳи (50 мг/дм<sup>3</sup> гача), «1» гуруҳи (100 мг/дм<sup>3</sup> гача), «2» гуруҳи (300 мг/дм<sup>3</sup> гача), (ГОСТ 9965, ЎзДСт 3032: 2015 бўйича) туз миқдори бўлган нефтларга ишлов берилганда самарали натижаларга эришилди.

4-жадвалда «МК-ДЭМ-4» композицион кимёвий деэмульгатори ва дипроксамин 157 нинг «ЭЛОУ-2» қурилмасида нефтга ишлов берилгандан кейинги қиёсий натижалари келтирилган.

#### 4- жадвал

**«ЭЛОУ-2» қурилмасида композицион кимёвий деэмульгатор «МК-ДЭМ-4» ва дипроксамин 157 деэмульгатори таъсир эттирилгандан кейин нефть таркибида қолган сув, туз, механик қўшимчаларнинг миқдори**

№	Кўрсаткичларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Нефть кўрсаткичлари	«МК-ДЭМ- 4» композицион деэмульгатори билан ишлов берилгандан кейинги натижалар	Дипроксамин 157 деэмульгатори билан ишлов берилгандан кейинги натижалар
1	Зичлиги 20 <sup>0</sup> Сда	кг/м <sup>3</sup>	803,3	796,2	800,0
2	Олтингугурт масса улуши	%	0,8	0,82	0,82
3	Хлорли тузларнинг миқдори	мг/дм <sup>3</sup>	94,8	3,5	4,8
4	Сув миқдори %	%	0,1	0,04	0,04
5	Механик қўшимчалар миқдори	%	0,037	0,03	0,03

«МК-ДЭМ-4» композицион кимёвий деэмульгатори билан нефтга ишлов берилганда сувсизланиш 0,04% га, тузсизланиш 3,5 мг/дм<sup>3</sup> га тенг бўлди. «МК-ДЭМ-4» композицион кимёвий деэмульгатори импорт қилинадиган Дипроксамин 157 деэмульгатори каби самарали, хатто баъзи бир хусусиятлари ундан юқори бўлиши аниқланди.

«МК-ДЭМ-4» композицион кимёвий деэмульгатори импорт қилинадиган деэмульгаторларга қараганда анча арзон, уларнинг қиёсий таққослаш нархлари 5-жадвалда келтирилган.

**5-жадвал**

**Композицион кимёвий деэмульгатор «МК-ДЭМ-4», Дипроксамин 157 ва диссољван 3359 деэмульгаторларини 1 тонна учун баҳосини таққослаш**

<b>1 тонна учун қиёсий нархлар</b>		
Композицион кимёвий деэмульгатор- «МК-ДЭМ-4» (Ўзбекистан)	Дипроксамин-157 («Катион» МЧЖ, Россия)	Dissolvan 3359 (Қозон деэмульгатори)
17 404 000 сум	22 534 400 сум	66 194 800 сум
123 572,84 рубль	160 000 рубль	470 000 рубль
1 653,85 \$ АҚШ	2 141,3 \$ АҚШ	6290,30 \$ АҚШ

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида йилига 50 тонна деэмульгатордан фойдаланилади. Бундан ташқари Фарғона, Олтиариқ заводларида, Кукдумалок, Зеварда, Жанубий Кемачи, Совлиғор, Чордарбоза, Жарқўрғон ва бошқа нефтгазконденсат конларида деэмульгаторлар ишлатилади. Агар битта завод 1 йилда 50 тонна деэмульгатор ишлатишини ҳисобга олганда ҳамда Россиянинг Дипроксамин 157 билан солиштирилганда (транспорт харажатларини ҳисобга олмаганда) иқтисодий самарадорлик 256 млн. сўмдан ошади. Республикамиз бўйича ҳисобланганда, 150 тонна учун кутилаётган иқтисодий самарадорлик 770 млн. сўмдан ошади.

## ХУЛОСА

1. Маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидаги органоминерал ингредиентлар, уларнинг физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятлари асосида тузилиши, таркиби ва миқдорини танлаш орқали нефтни қайта ишлаш саноатида нефтэмульсияни сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун композицион кимёвий деэмульгаторлар яратишга асосланган ёндашув тавсия этилди.

2. Нефть-сув эмульсиясига деэмульгаторларнинг таъсир механизми ва физик-кимёвий хусусиятларини асослаш орқали композицион кимёвий деэмульгаторларнинг самарали таркиблари таклиф этилди.

3. Маҳаллий хом-ашё ва саноат чиқиндиларидаги органоминерал ингредиентлар асосида «МК-ДЭМ-4» композицион кимёвий деэмульгатори ишлаб чиқилди.

4. Нефть-эмульсиясидаги сув ва тузни технологик талабларга жавоб берадиган даражада камайтирувчи, сувни янада шаффоф ҳолда ажратиб олиш учун «МК-ДЭМ-4» композицион кимёвий деэмульгатордан фойдаланиш тавсия этилди.

5. Нефтнинг таркибий қисмига таъсир этмаслиги, нефть қувурларини коррозиядан ҳимоя қилишда, кам миқдорда ҳам юқори деэмульгирловчи фаолликка эга бўлиши учун ишлаб чиқилган композицион кимёвий деэмульгатор тавсия этилди.

6. «МК-ДЭМ-4» композицион кимёвий деэмульгатори билан нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун 3% сувли эритмасининг сирт таранглигини 37,4 Н/м га тенглигидан, ушбу реагентнинг ноионоген ва анион сирт фаол модда эканлиги аниқланди.

7. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ЭЛОУ-2 қурилмасида «МК-ДЭМ-4» композицион кимёвий деэмульгатори «0» гуруҳи (50 мг/дм<sup>3</sup> гача), «1» гуруҳи (100 мг/дм<sup>3</sup> гача), «2» гуруҳи (300 мг/дм<sup>3</sup> гача), нефтларидаги туз миқдорини ГОСТ 9965, ЎзДСт 3032: 2015 талабига камайтириш ҳамда нефть эмульсиясидаги қолдиқ сувнинг миқдорини 0,04% гача сувсизлантириш имконини берди ва бошқа нефтни қайта ишлаш заводларига қўллаш учун тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИТАРНОГО  
ПРЕДПРИЯТИЯ «ФАН ВА ТАРАККИЁТ» ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

---

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ  
«ФАН ВА ТАРАККИЁТ» при  
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

**РАУПОВА ДИЛФУЗА НУРУЛЛАЕВНА**

**РАЗРАБОТКА ЭФФЕКТИВНЫХ СОСТАВОВ И ТЕХНОЛОГИИ  
ПОЛУЧЕНИЯ КОМПОЗИЦИОННОГО ХИМИЧЕСКОГО РЕАГЕНТА  
«ДЕЭМУЛЬГАТОР» И ЕГО ПРИМЕНЕНИЕ ПРИ ОБЕССОЛИВАНИИ И  
ОБЕЗВОЖИВАНИИ НЕФТЕЭМУЛЬСИЙ**

**02.00.07- Химия и технология композиционных, лакокрасочных и резиновых  
материалов (технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2021**



Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2021.2.PhD/Т2223 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Государственном унитарном предприятии «Фан ва тараккиёт» при Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) на веб-странице Научного совета по адресу [www.gupft.uz](http://www.gupft.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

**Научный руководитель:**

**Негматова Комила Сайибжановна**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Розиков Комилжон Холикович**  
доктор химических наук, профессор

**Мухторов Нуриддин Шамсидинович**  
доктор технических наук

**Ведущая организация:**


**Наманганский государственный университет**


Защита диссертации состоится «23» августа 2021 года в 11<sup>00</sup> часов (онлайн) на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 при ГУП «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а. тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: [fan\\_va\\_taraqqiyyot@mail.ru](mailto:fan_va_taraqqiyyot@mail.ru) на здание «Фан ва тараккиёт» ГУП, 2 этаж, зал конференций).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ва тараккиёт», зарегистрированный номерам №15. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба, 7а. Тел. (99871) 246-39-28, факс: (+99871) 227-12-73.)

Автореферат диссертации разослан «11» августа 2021 года (протокол реестра №15-2021 от 29 июня 2021 г.)



  
**С.С. Негматов**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, академик АН РУ, д.т.н., профессор

  
**М.Э. Икрамова**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученой степени, к.х.н., с.н.с.

  
**А.М. Эминов**  
Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор.



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире нефтяная промышленность является одной из важнейших отраслей экономики стран. Развитие нефтеперерабатывающей и нефтехимической промышленности напрямую связано с совершенствованием технологии нефтепереработки, разработкой и внедрением прогрессивных процессов, обеспечивающих улучшение технико-экономических показателей и качества нефтепродуктов. Немаловажное значение в решении поставленных перед нефтеперерабатывающей промышленностью задач имеет подготовка нефти к переработке, заключающаяся в очистке нефти от вредных примесей. Поэтому важное значения имеет разработка технологии производства эффективных химических реагентов для обезвоживания и обессоливания нефтеэмульсий, а также создание и усовершенствование энергосберегающей и экологически безопасной технологии переработки сырой нефти.

В ведущих странах мира проводятся обширные исследования по разработке технологий производства деэмульгаторов, используемых при обессоливания и обезвоживании нефти. В связи с этим налажено масштабное производство деэмульгаторов, используемых для обессоливания и обезвоживания нефти, в том числе в России, США, Китае, Германии, Японии и Азербайджане. В этом аспекте, особое внимание уделяется исследованию физико-химических и технологических свойств химических реагентов - деэмульгаторов, используемых при обезвоживании и обессоливания нефтяных эмульсий, повышению качества и технико-экономических показателей нефтепродуктов, их очистке от вредных присадок до технологически обоснованных стандартов, разработке эффективных составов деэмульгаторов и технологии их производства.

В республике по развитию нефтеперерабатывающей отрасли принимается ряд мер, направленных на повышение эффективности нефтепереработки и качества нефтепродуктов. Однако разработка и создание эффективных методов очистки и технологий экстракции в соответствии с технологическими стандартами является актуальной проблемой для республики. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи, направленные на «...дальнейшая модернизация и диверсификация промышленных высокотехнологичных перерабатывающих производств, прежде всего, на качественно новом этапе быстрого развития высокодоходных готовых изделий на основе глубокой переработки местного сырья...»<sup>12</sup>. Исходя из этих целей, одной из актуальных задач на сегодня является разработка альтернативных условий технологических процессов производства высококачественных нефтепродуктов – разработка новых эффективных композиционных химических реагентов - деэмульгаторов на

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

основе местного сырья и промышленных отходов для обессоливания и обезвоживания сырой нефти.

